

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МАЪНАВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШ ЖАРАЁНИ

M.Y. Атамуратов – *siёsat fanlari doktori (DSc)*

Diplomat University

Таянч сўзлар: глобализация, модернизация, ОАВ, маънавий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, ахборот хуружи, миллий ғоя, трансформация, ёвуз кучлар, оммавий маданият, ахборот технологиялари, блогерлар, ижтимоий тармоқлар.

Ключевые слова: глобализация, модернизация, средства массовой информации, духовная безопасность, идеологическая безопасность, политическая безопасность, информационная атака, национальная идея, трансформация, злые силы, массовая культура, информационные технологии, блогеры, социальные сети.

Key words: globalization, modernization, media, spiritual security, ideological security, political security, information attack, national idea, transformation, evil forces, mass culture, information technology, bloggers, social networks.

Бугун жаҳонда инсоният ҳамжамияти мисли кўрилмаган модернизация ва глобализация жараёнларида ўзаро муносабатларни ва мувозанатларни ўрнатиш, уларни ривожлантириш ва асраб қолиш муаммолари билан ҳар соатда тўқнашмоқда. Дунё халқларининг ўз қадриятларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш масъулияти долзарб масалаларнинг бири ҳисобланади. Мамлакатнинг асосий манбаи бўлган халқларнинг маънавияти ва мафкураси модернизм ва глобализм таъсир доирасидан четда қолиб, аввалги даврлардагидек, бир неча асрлар турғун ҳолатини сақлаб қола олмаслиги маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, инсониятнинг тарихий тажрибаси ва интеллекти натижасида вужудга келган умуминсоний қадриятлар асосини ташкил этувчи маънавий-мафкуравий муносабатларни турли хил таҳдидлардан асраш ҳамда такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мафкуравий муносабатларга бош Қомусимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган [1:6].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз Янги Ўзбекистон барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устулга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси эса аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларига асосланган кучли маънавият” [2], деб таъкидлаган эдилар. Шу билан бирга, Президентимиз маънавият ва мафкура деганда, аввало, халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларга асосланган фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбияси тушунилишини, Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эса эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлиши [3] кераклигига эътибор қаратди.

Улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли. Ота-боболаримизнинг онгу-тафаккурида асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму-хаё, ибо ва ифбат каби юксак ахлоқий туйғу ҳамда тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак хато қилмаган бўламиз.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан сўнгги йилларда жадидчилик ҳаракатлари намоёндалари ҳаёти ва уларнинг ижодини ўрганиш, янги авлоднинг тарбиясида уларнинг қарашларини татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки

глобаллашув ва модернизм жараёнларида миллатнинг ўзлиги ва қадриятлари ҳосиласи бўлган маънавият ва мафкуранинг хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга, дунё тараққиёти ва илмига йўл очиш, янгича қарашларни ишлаб чиқиш ғоялари айнан уларга тегишли эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан маънавият – инсоният дунёсининг буюк бир ёриткич чироғи сифатида таърифланади. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи эса унинг инсон онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтириш қобилиятига эга эканлигидадир. “Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида ана шундай маънавият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур. Маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу аксарият одамларимиздаги лоқайдлик ва бепарволик кучайиб бораётганида, десак ҳам айни ҳақиқат бўлади” [4:262-299]. Кишининг маънан камол топиши жамият учун жуда муҳим ҳодисалардан эканлигини таъкидлаб, Президентимиз ўз қарашларини машхур файласуф Сукротнинг “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартариши лозим. Бунинг учун эса, аниқ мақсад, толмас ирода ва доимий изланиш керак” [5:9] деган сўзлари билан мустаҳкамлайди.

Тарихдан маълумки, маълум бир миллатнинг давлатчилик тамойилларини забт этмоқчи бўлган истилочилар биринчи навбатда халқнинг менталитети, маънавияти, қадриятларини захарлашга уринган. Миллий маънавияти, қадриятлари барбод бўлган миллат ва элатлар ўзлигини йўқотади, ҳукмрон мафкура таъсирига тушиб, унинг манфаатларига хизмат қилишга мажбур бўлади. Ҳозирда айрим ғарб давлатларида ўз миллий манфаатларини кенгайтиришнинг асосий воситаси сифатида “ахборот хуружи”дан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб, ахборот худди фармацевтик маҳсулотлар каби ишлаб чиқиш, етказиб бериш, истеъмол қилиш ва таъсир ўтказиш каби жараёнлардан ўтиб келмоқда. Инсон онгига таъсир этиш қобилиятига эга бўлган медиа маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишида уч асосий сифат назорати: қандай маҳсулот тайёрланаяпти, қандай аудитория учун тайёрланаяпти ва қандай сифатда тайёрланаяпти каби жараёнлар эътибордан холи қолаётгани кўпчилик социолог ва психологлар томонидан эътироф этилди.

ОАВ инсон онгига таъсир этишининг энг қўлмали ва самарали воситаларидан ҳисобланиб, ҳозирги кунда улар сиёсатшунослар томонидан инсоният кашф қилган энг дахшатли қурол сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, ҳукуматга қарши намоёнлашлар содир бўлганда, унинг биринчи реакцияси бу – оммавий ахборот воситаларини блоклаш эканлигининг ўзи ОАВнинг кишиларга таъсир этиш тезлиги, қўлами ва имконияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун етарли. ОАВ доим аҳолининг сиёсий кайфиятини, ижтимоий

фаоллигини, мафкуравий содиқлигини таъминлашда асосий восита сифатида эътироф этилган. Ўзбекистонда ҳам ОАВнинг passiv фаолияти натижасида бепарво кайфият етишиб келганига мисоллар келтириш мумкин. Масалан оммавий маданият белгилари бўлган кийимлар, енгил оилавий муносабатлар, хиёнат, жиноятчилик, осон ва катта даромад топиш каби ҳолатларга халқимизнинг ҳозирги муносабати билан бир неча йил аввалгиси ўртасида фарқ жуда каттадир.

Ҳеч шубҳасиз, жамият аъзоларининг маънавий ва мафкуравий таҳдидларга нисбатан қарашни таҳдидларга қарши трансформациялаш, уларда ахборот маданиятини шакллантирмасдан амалга ошириб бўлмайди. Ахборот маданияти – бу ахборотни танлай олиш, уни соғлом мантқиқ асосланган анализ ва синтездан ўтказиш, ахборот истеъмоли жараёнида ҳиссиётга берилиш билан уни тарқатаётганларнинг ўлжасига айланиб қолишдан сақланишдир. Бундай ижтимоий онгга эга бўлган аҳолини етиштириб чиқариш, албатта, пухта ўйланган дастурни талаб қилади.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон ОАВ фаолиятига зарар етказиш, уни тақиқлашни эмас, аксинча, сиёсий, ижтимоий фаолликни ўргатувчи фаолиятига ўзгартириш кераклигини татбиқ этиш керак. Ҳозирда телевидение, радио, газета-журналлар, интернет, ижтимоий тармоқлар ёшларни ёт маданият белгиларидан, енгил оилавий муносабатлардан, фахшдан ҳимоялаш учун шу мавзулардаги замон “қаҳрамонларини” намоиш қилиш амалиётидан кенг фойдаланиб келмоқда. Муаммога бу тарзда ёндашув акс натижани бериши тайин. Чунки ўз кадриятларига ва ижтимоий масъулиятга эга бўлмаган шахслар ОАВнинг бу маҳсулотлари билан танишиб чиқмайди, аксинча, ОАВга вақт ажратувчи гуруҳлар, айниқса, ёшларда бу ҳолатлар жамиятнинг ажралмас қисми сифатида қўниқиб ва “қилиш мумкин” деган тушунча шаклланишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, иккинчи асосий муаммо – бу аҳолининг ахборотга бўлган табиий эҳтиёжини сифатли, тезкор ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш чораларининг ишлаб чиқилмаганлиги. ОАВда кўп такрорланган ёлғон ҳақиқатга айланиши ижтимоий тажрибалардан бизга маълум. Ахборот куридан бундай кўринишда фойдаланиш жаҳоннинг турли нуқталарида ижтимоий этник, диний, сиёсий тўқнашувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Халқимизнинг мафкуравий таҳдидларга нисбатан сиёсий қарашларини трансформациялаш соҳасидаги амалга оширилиши зарур бўлган учинчи ислохот бу – ахборот воситалари, журналистика ва блогерлик фаолияти, ахборот оламидаги маълумотлар билан ҳар қандай кўринишдаги муносабатнинг тартибга солинишини таъминловчи миллий кодекснинг ишлаб чиқилганлигидир.

Ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларимиз интернетда ўзларини эркин ҳис эта олмас экан, халқимиз интернетнинг бир восита эканлиги, таҳдид ечими эса воситада эмас, балки воситани бошқараётган қўлда эканлигини тўла идрок эта олмайди.

Мамлакатда маънавий ва мафкуравий таҳдидларга нисбатан муносабатни трансформациялаш ислохотининг яна бир кўриниши сифатида, Миллий

масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилгани, интернет тармоғида журналистик ва блогерлик фаолиятига ҳукумат томонидан тўсиқларнинг олиб ташлангани, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий, ижтимоий мақомининг берилиши бўлди. Президентимиз томонидан блогерлик ва ахборот хизматлари фаолиятига кенг йўл очиб бериш сиёсати замирида улар орқали давлат ва жамиятдаги реал ҳолатни аниқлаш, халққа тўғри маълумотларни бериб бориш, адолатли давлат қуришда ишончли ахборот манбаси бўла олиши каби давлат манфаатларини кўришини билдирди [6]. Лекин блогерлар ва хусусий ахборот хизматларининг ҳозирги фаолияти соғлом сиёсий маданият мезонига кўра давлат томонидан тақдим этилган шароитларга муносиб, дейиш қийин. Кузатувларимизга кўра, уларнинг кам қисмида ўз касбига профессионал ёндашувни кўриш мумкин. Жумладан, kun.uz., qalampir.uz, daryo.uz. Hushnodbek.uz ва яна бир неча манбаларни санаб ўтиш мумкин. Лекин блогерлар ва хусусий ахборот хизматлари сонининг асосий қисмини ташкил қилувчилар фаолият услублари, таҳлил, танқид, муаммога ёндашув ва энг муҳими, фикрни баён қилишдаги салоҳиятлари журналистларнинг этика қоидаларидан чиқиш билан бирга, баъзан маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиш даражасигача бузилиш ҳолатлари учрайди. Уларнинг муаммо ёки вазиятга кескин ёндашув ва ҳулосанинг фундаментал ёндашувсиз берилиши аудиториянинг кайфияти, ҳукуматнинг маънавий ва мафкуравий таҳдидларга нисбатан қарашларни трансформациялаш ҳолатларига акс таъсир ўтказмоқда. Таҳлилларимизга кўра, блогерларнинг фаолиятига тизимсизлик, камчиликларни ёки муаммоларни ёритиш, ўз тақлифларини беришда непрофессионалликка йўл қўйишларига, уларнинг асосий қисмида соҳага оид профессионал таълимнинг етишмаётгани билан изоҳланади. Бу муаммонинг ечими сифатида эса Президент томонидан 2018 йил “Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Хулоса қиладиган бўлсак, мафкурага ёт бўлган баъзи ғоялар билан курашда кескинлик йўлининг танланиши, бу давлатнинг авторитар ёки тоталитар белгиларига қайтишни эмас, балки бу иллатларнинг халқимиз дунёқараши, унинг кундалик ҳаёт тарзига айланиб қолгани, давлат сиёсатининг амалга оширилишида ушбу салбий менталитет белгиларининг тўсиқ бўлиб хизмат қилаётгани билан изоҳланади.

Қўллаб ОАВ томонидан йўлга қўйилган кишиларнинг рухий-психологик, интим, оилавий, маънавий муаммоларини оммага олиб чиқувчи шоулар ва кўрсатувлар намоишини тақиқлаш, шу билан бирга бугунги кунда аҳоли, айниқса, ёшларни турли хил ёлғон (фейк) ахборот оқимлари таъсирига тушиб қолмаслик, сиёсий манипуляцияга алданмаслик, ахборотни ишончлилик филтритдан ўткази олиш қобилиятларини шакллантириш мақсадида барча ОАВлар ҳамда ижтимоий тармоқларда сиёсатшунослар, социологлар, маънавиятшунос олимлар, иқтисодчилар, молиявий мутахассислар ва жамиятнинг кўзга кўринган вакиллари билан таҳлилий-информацион ахборотни тақдим этиб бориш тизимини яратиш бўйича “Давлат дастури”ни ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2023.
2. Mirziyoyev Sh.M. Jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir. <https://president.uz/oz/lists/view/4089>
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida ma'naviv-ma'rifiv ishlar tizimini tubdan takomillashtirish. bu borada davlat va jamoat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo'yicha videoselektor yig'ilishi, 2021-yil 19-yanvar.
4. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. -Toshkent: «O'zbekiston», 2021. 262-299-b.
5. Mirziyoyev Sh. Yangi O'zbekiston strategiyasi. -Toshkent: “O'zbekiston”, 2021. 9-b.
6. Prezident Sh.Mirziyoyevning blogerlar bilan uchrashuvi // <https://www.youtube.com/watch>.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада Ўзбекистонда ўзбек халқининг маънавий ва мафкуравий таҳдидларга нисбатан сиёсий қарашларини трансформациялаш соҳасидаги амалга оширилиши зарур бўлган ислохот бу – ахборот воситалари, журналистика ва блогерлик фаолияти, ахборот оламидаги маълумотлар билан ҳар қандай кўринишдаги муносабатнинг тартибга солиниши таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируется вопрос о том, что необходимая реформа в Узбекистане в сфере трансформации политических взглядов узбекского народа о духовных и идеологических угрозах – это регулирование любой формы взаимоотношений со средствами массовой информации, журналистикой и блогерской деятельностью, а также с данными в информационном мире.

SUMMARY. This article analyzes the question that the necessary reform in Uzbekistan in the sphere of transforming the political views of the Uzbek people about spiritual and ideological threats is the regulation of any form of relationship with the media, journalism and blogging activities, as well as with data in the information world.

УДК: 343.979;314.148

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ ГИРДОБИ ВА УНГА ҚАРШИ ДЕХҚОНЛАР ҚИСМАТИ

Ў.Ш.Якубов – география фанлари номзоди, доцент

Термиз давлат педагогика институти

Г.Б.Утепова – география фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: коллективлаштириш, колхозлаштириш, кулоқлар, сиёсий қатоғонлар, “фавқулодда ҳолат”, зўравонлик, репрессия.

Ключевые слова: коллективизация, колхозы, кулаки, политические репрессии, «чрезвычайное положение», насилие, репрессии.

Key words: collectivization, collective farms, kulaks, political repressions, “state of emergency”, violence, repressions.

Кириш. XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати нафақат ўзбек тарихчилари, балки чет эл тадқиқотчиларининг ҳам диққат марказида бўлган мавзу ҳисобланади. Кейинги йилларда бу борада бир қатор жиддий илмий изланишлар олиб борилганига қарамай, муаммонинг юқорида тилга олинган айрим кирралари, хусусан, коллективлаштириш давридаги қатағон шакллари ва уларнинг гоёвий-хукукий асослари ҳам ҳали етарлича ўрганилмаган.

Методлар: Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантқий таҳлил, кетма-кетлик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама: 20-асрнинг 20-йилларида Совет Ўзбекистониди тарихий воқеалар ривожига иттифоқ марказидаги сиёсий жараёнлар кучли таъсир кўрсатди. 1930-йил январ ойидан бошлаб Совет Иттифоқида қишлоқларда, хусусан, ўзбек қишлоқларида тўлиқ коллективлаштириш жараёнининг кучайиши билан воқеалар жадал ривожланди. Архив ҳужжатлари бу даврда совет ва партия органлари томонидан қонунларни бузиш ҳолатлари кескин ошганлигидан далолат беради [1,2]. Тўлиқ коллективлаштириш жараёнида болшевиклар, биринчи навбатда, сиёсий қатағон субъекти сифатида Советлар ҳокимиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Чунки коллективлаштиришнинг дастлабки йилларида совет тузумига қарши ҳаракатлар ва мулкни умумжамоа тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар тез орада оммавий норозиликларга айланиб кетди [3] ва ҳатто Совет ҳокимиятига қарши қуролли курашга даъват этадиган даражада тус олди [4]. Болшевиклар ҳокимиятни сақлаб қолиш ва уни ҳимоя қилиш ҳақида қайғуриб, маъмурий бюрократия, босим ва куч ишлатиш имкониятларидан тўлиқ фойдаландилар [5]. Бутун мамлакатни қамраб олган “фавқулодда ҳолат” Совет қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлини белгилашга қаратилган эди. Бироқ, бунинг акси бўлди: қонунга тўғри келмайдиган ҳолатларни қонунийлаштирган адолатсиз қарорлар қабул қилина бошлади. Совет қонунчилигига кўра, репрессия чораларини қўллаш асосан суд тизимига, қисман эса суд орқали эмас, ОГПУ ва НКВДга юкланганлигига қарамай [6], судларга берилган ваколатларга эга бўлмаган ташкилотларининг ваколатлари кенгайтирилди. Суд-ҳуқуқ функцияларига эга “учликлар”, туман ва вилоят ижроия қўмиталари,

шунингдек, маъмурий ваколатларга эга бўлган бошқа мансабдор шахсларнинг қарорлари устуворлик касб эта бошлади. Партия органларининг директивалари, ОГПУ буйруқлари, комиссарларнинг қарорлари ва бошқа қонуности ҳужжатларининг устунлиги даври бошланди [7].

СССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг 1930 йил 1 февралдаги “Тўлиқ коллективлаштириш ҳудудларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта ташкил этишни кучайтириш ва кулоқларга қарши кураш чоралари тўғрисида”ги қарорига биноан маҳаллий ҳокимиятлар кулоқларга қарши кураш - уларнинг мол-мулкни мусодара қилишдан тортиб сургунгача ҳукм қилувчи барча ваколатларни олдилар [8].

Ўзбек қишлоқларида кулоқ хўжаликларига маъмурий тартибда жарима солиш ваколати маҳаллий Советларга берилди [9], пахта тайёрлаш режасини бажармаганларнинг тегирмонлари ва сув тегирмонларини тортиб олинган, кейинчалик улар колхоз ва колхоз кооперативларига имтиёзли шартларда сотилган [10]. Фақат суд органларининг ваколати бўлган бундай маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатларининг маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилиши коллективлаштириш жараёнида оммавий сиёсий қатағонларни қўлга киритиш учун ҳуқукий асос яратган.

Қишлоқ хўжалигини тўлиқ коллективлаштириш ва кулоқларни тугатиш мақсадида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида биноан қатл қилиш ва қамоққа олиш каби қатағон турлари “аксинлиқобий нутқлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар каби жиноятлар учун” қўлланилган [11]. Аксинлиқобий ҳаракатлар туркумига Совет ҳокимиятини ағдариш ва уни заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик киритилган [12]. СССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг 1924 йил 31 октябрда қабул қилинган ва 1926 йил 1 июлдан қучга кирган “СССР ва иттифоқ республикалари жиноят қонунчилигининг муҳим асослари”га мувофиқ ЎзССР Жиноят кодексида жиноятлар икки тоифага бўлинган: а) совет тузуми асосларига қарши қаратилган; б) бошқа жиноятлар.

Колхоз тузумига қарши чиққан ёки унга хайрихоҳлик билдирмаган дехқонларга нисбатан қўлланилган энг оммавий қатағонлар “кулоқ қилиш” сиёсатида ифодаланган. Сталин ва бошқа партия раҳбарларининг ҳаракатлари қишлоқ аҳолисининг